Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 5 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 51 (6947)

Da'vat

Иш билан машғул бўлмаган одам ҳеч қачон чинакам бахтга эришолмайди, ишёқмаснинг бетида сиз доимо норозилик ва лоқайдликни кўрасиз.

Г. ГЕЙНЕ.

Ibrat

Наманган вилояти мактаблари учун янги ўқув йилидан бошлаб ягона мактаб кийими жорий этиладиган бўлди. Шу боис вилоятдаги барча мактабларда ўқувчилар кийими қуриги бўлиб ўтди. Дарвоқе, бу кийимларни тикиш муаммоси ҳам ҳал этилган — вилоятдаги тўртта ихтисослашган ҳунар-техника билим юрти дастлабки буюртмаларни бажаришга киришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

1997-98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юртларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997/98 ўқув йилида 21 мингта давлат грантлари белгиланиб, улар таълим йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари бўйича тақсимлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур грантларни тақсимлаш ҳар бир ихтисос /Ўзбекистон Республикаси мутахассислари тайёрланадиган ихтисос/ бўйича давлат грантларига асосан энг оз қабул қилишни таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Давлат тест маркази: абитуриентлар қабулини тест синови натижасида тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими бўйича ташкил қилсинлар; бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли ўқув юртларида грантларни таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлашни Давлат комиссияси тасдиқлаши учун киритсинлар.

4. 1997/98 ўқув йилида давлат грантига кўра ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизига қадар доирада тўлов-контракт асосидаги қабул квотаси ўрнатилсин. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларидан ҳамда мазкур тоифадаги абитуриентлар ўртасида тест синовларининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда улар томонидан таълимнинг тўлиқ қиймати тўланиши кўзда тутилсин.

5. Давлат комиссияси: юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт асосидаги аниқ ихтисослар ва таълим йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичларини кўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга зарур ўзгартишлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ўқув юртларида таълимнинг тўлов-контракт шакли тўғрисидаги Низомни бир ҳафта муддатда қайта кўриб чиқиб, тасдиқласинлар ва матбуотда эълон қилсинлар. Низомда контракт шартлари бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги оширилиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга ҳар йили 1 февралга қадар республика ва минтақаларнинг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

8. Молия вазирлиги 1997/98 ўқув йилига белгиланган давлат грантларини ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки тахминий кўрсаткичларига ўзгартишлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 1 июль.



Oltin yoz — o'tmoqda soz

Ёзда катталардан ҳам кўпроқ болажонлар яйраб, қувнашади. Чўққилари булутларга қадар чўзилган пурвиқор Чимён тоғи этагида Тошкент трактор заводига қарашли болалар оромгоҳи жойлашган. Ҳозирда бу ерда шаҳарликларнинг 558 нафар фарзандлари алоҳида меҳр оғушида тарбияланмоқда. Қувончлиси шундаки, дам олувчиларнинг 139 нафари эса Оролбўйи ҳудудидан келган. Болажонларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, оромгоҳда бассейн, спорт ўйингоҳи, кутубхона, кинозал ва турли хил тўгараклар тун-кун ўқувчилар хизматида.

Суратда: дам олиш масканидан лавҳалар.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

2-бет.

«ТИТАНИК» ҲАЛОКАТИ ЁКИ ЁЗУВЧИ БАШОРАТИ ҲАҚИДА

3-бет.

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан отахон театр — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Қатағон» спектакли намойиш қилинди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган мазкур байрам тантанасида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда педагогик матбуот ходимлари иштирок этдилар.

Спектакл олдидан театр директори, Ўзбекистон Халқ артисти Ёқуб Аҳмедов томошабин — журналистларни касб байрамлари билан чин дилдан мубораклаб этиб, театр жамоаси улкан санъат кошонасига ташриф буюрганликларидан беҳад миннатдор эканликларини таъкидлади.

«Қатағон» спектакли қалам аҳлида яхши таассурот қолдирди.

Д. ХЎЖАЕВА.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Осиё қитъасида олимпия анъаналарини қарор топтириш ва кўпайтиришга, ўз мамлакатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссаси учун Осиё Олимпия кенгаши томонидан берилган Олтин орденини Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейига топширди.

Оролбўйи, Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари аҳолиси учун Америка Қўшма Штатларидаги «Прожет Хауф» фонди томонидан ажратилган 3,5 тонналик инсонпарварлик ёрдами Навоий вилоятига етиб келди.

JUMLADA JAHON

Германиянинг Siemens AG ташкилоти томонидан яқин кунларда келиши кутилаётган 1,5 миллион долларлик транспорт қурилмалари Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи арафасида тугалланиши кутилаётган Урганч — Хива ўртасида тортилаётган троллейбус линиялари учун ишлатилади.

Россия Президентининг матбуот котиби Сергей Ястржембский Борис Ельциннинг қизи Татьяна Президентнинг маслаҳатчиси лавозимига тайинланганлиги ҳақида баёнот берди.

Чеченистон Президенти Аслан Масҳадов Чеченистон ва Озарбойжон ўртасида иқтисодий алоқаларини ўрнатиш мақсадида Бокуга ишчи ташриф билан келди.

Хитойда Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Гонконг оролининг ХХР тасарруфига ўтиши муносабати билан бўлиб ўтаётган тантаналарда Хитой халқ республикаси раиси мазкур оролда капиталистик тузум сақланиб қолажагини ваъда қилмоқда.

ВАЗИРЛИКДА ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Йиғилишни олиб борган Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов ўзининг кириш сўзида китоб халқ таълими ходимлари учун дастурилмал бўлишини, аввало ўзлари ўқиб, ўқиб, сўнг болаларга сабоқ беришда фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирди. Китобнинг нафақат Ўзбекистон, балки дунё ҳамжамияти ривожи учун ҳам аҳамияти ҳақида адабиётшунос олим Султонмурод Олимов, Фан ва малака ошириш бўлими бошлиғи Мойли Лафасов мазкур китобни мутахассислар билан жиддий ўрганилаётгани ва айни кунда мактаблар учун 18 соатлик дастур, дастурга монанд режа ва тавсиялар ишлаб чиқилганини ва бу мавзулар Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим дарсларига мўлжалланганлигини таъкидлади. Ўрта умумтаълим мактаблар Бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова жойларда август кенгашларида китоб мутолааси, муҳокамаси бўлиб ўтишини айтган бўлса, Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи китобнинг маърифий ва экологик жиҳатларига эътиборни қаратди. Шунингдек, Республика таълим маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров, УзПФИТИ илмий ходими Йўлдош Абдуллаев ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳ. ОМОНОВ.

Sharh

БАРЧА КУТГАН ҚАРОР

Кўпчилик абитуриентлар, уларнинг ота-оналари орзиқиб кутган «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бу қарорнинг кутилишига сабаблар кўп эди. Ахир, ҳозирги пайт — мустақил юртимиз таълим тизимида туб ўзгаришлар даври ҳисобланади. Қолаверса, кадрлар эҳтиёжи янги давр ўлчамлари билан белгилана бошланди. Бу, шарҳловчиларимиз айтганидек, билимдонлик, эҳтиёж, етуклик мезонларига мос қарордир.

Энг биринчи янгилик бу олий ўқув юртларига қабулнинг ошганлигидир. Бу йил давлат грантлари (21 минг) миқдоригача тўлов контракт асосида талабалар қабул қилинади. Айримлар «шартнома асосида ҳужжат топширсанг, ўқишга кирдинг ҳисоб» деб ўйлашади. Бироқ бу нотўғри хаёл. Қарорни ўқиб чиқсангиз, бу тоифадаги абитуриентлар ҳам тест синовлари натижасига қараб сараланишини билиб оласиз.

Қарорда кўрсатилган яна бир жиҳат кишининг диққатини тортади. Бу ҳам мустақил сиёсат, мустақил иқтисод эҳтиёжидир. Қарорга кўра, бундан кейин Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга, ҳар йили 1 февралгача республикамиз ҳудудидаги малакали кадрларга эҳтиёжни ҳисобга олиб, таклиф киритадилар.

Бу Президентимиз вилоят сессияларида маҳаллий ҳокимлардан сўрайдиган — ИСТИҚБОЛ ДАСТУРИга ҳам тегишлидир. Дейлик, 2005 йилда бир туманда бирор ишлаб чиқариш корхонаси қурилади. Хўш, унга қанақа мутахассислар керак? Уларнинг қанчаси ўзида бор ва қанчасини қайси ўқув юртларида тайёрлаш мумкин? Мактабни битираётган қайси ёшлар ушбу мутахассисликларни эплай олади ва ҳоказо қатор саволларга жавоб изланади. Ҳоким мактаб билан алоқада бўлади, шароитни кўради, келажак учун замин яратади.

Қисқа шарҳимизга қисқача хулоса шулки, ушбу қарор олий таълим тизимидаги амалга ошириладиган ислоҳотлар, янги иқтисодий шароит учун кадрлар тайёрлаш борасидаги зарур ҳужжат ҳисобланади.

«МАЪРИФАТ» ШАРҲЛОВЧИСИ.

Xabaringiz bormi?

ХОРАЗМЛИК ЭНГ ОМАДЛИ ОДАМ

Сизнингча ким? Башарти, «Маърифат» газетасида ушбу савол берилаётган эканми, албатта муаллим-да.

Дарҳақиқат, Хоразм воҳасининг Қорамон қишлоғида истиқомат қилувчи муаллим Бахтиёр Ёқубовга «кун туғди». У Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Амир Темур жамғармаси томонидан чиқарилган «Хазина-2» лотереясини харид қилиб, миллион сўм ютуқ эгаси бўлди.

Зиёли барибир зиёли-да, миллионер муаллим бу ютуқни эзгу ишларга сарф қилишни мўлжаллаб турибди.

Mulohaza va taklif

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ЗАРУРАТИ

Ўрта мактабни битириб катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар ҳуқуқий билимларни ҳатто Конституцияда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини тўлиқ билишмайди. Хўш, нега шундай?

Чунки мактабларда «Ҳуқуқшунослик» фанига кам дарс соатлари ажратилган. 9-синфда ҳафтасига бир марта «Давлат ва ҳуқуқ асослари» ўқитилади. Тўғри, мактаб ихтиёрига берилган соатлардан бир соатдан юқори синфларга ажратилаяпти. Тўгараклар ҳам бор. Маъмурий орган ходимлари билан йилда бир-икки марта учрашув ўтказилади. Синф раҳбарлари тарбиявий соатларда суҳбатлар олиб бо-

(Давоми 3-бетда).

МММ — ХАБАРЛАРИ

ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАСИ

Қутлуғ ёшини нишонлаш, босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилиш анъанасининг ҳам ўзига хос гаштти бор.

Яқинда Навоий шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйининг ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан юбилей кечаси бўлиб ўтди. Унда ушбу даргоҳда таълим олаётган ёшлар қатори республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонлар қатнашишди.

Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров сўзга чиқиб, ижодиёт уйи жамоасини юбилей тантанаси билан табриклади ва вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғасини топширди.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида француз драматурги, актёри ва театр арбоби Жан Батист Мольер таваллудининг 375 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада филология фанлари номзоди, доцент Л. Абдушукурова адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди. Кеча муаллифнинг талабалар театри жамоаси саҳналаштирган «Дворянликдаги мешчан» спектаклининг премьераси билан якунланди. Спектаклдаги асосий ролларни француз тили факультетининг IV курс талабалари М. Алимова, Г. Хубларев, Ш. Холмуродова бошқалар ўринлатиб ижро этдилар.

М. НИШОНОВ.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Яқинда Гулистон давлат университетида «Мустақиллик: маънавият ва миллий қадриятлар муаммоси» мавзуида Республика илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда академиклар: М. Ҳайдаров, Э. Юсупов, профессорлар: Й. Жумабоев, Ў. Ҳайдаров ва бошқа олимларнинг миллий қадриятларимизнинг маънавий асослари, ёшлар маънавияти, шахс муаммоси каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Унда иштирок этган Сирдарё вилояти маънавият марказлари раҳбарлари, туман ХТБ мудирлари, мактаб директорлари ва ўқитувчилар, қўйинг-ки, барча қатнашчилар бу тадбирдан катта қониқиш ҳосил қилганликларини айтишди.

Отабек ЖАЛИЛОВ.

Aks-sado

РАҲБАР ОДИЛ ИШ ЮРИТСА...

«Маърифат» газетасининг шу йил 11 июнь чоршанба сонидаги «Айритомдаги айрича манзаралар» мақоласи педагогик жамоамиз ўртасида атрофлича муҳокама қилинди.

Мен раҳбарлик қилаётган Сирғали туманидаги 104-ўрта мактабда 1700 дан зиёд ўғил-қизларга 100 нафардан зиёдроқ ўқитувчи таълим-тарбия беради. Очиғини айтиш керак, жамоамиз аъзолари билан ҳақли равишда фахрланаман. Улар меҳр-оқибатли, дилкаш ва изланувчан. Уларнинг ҳар бирларини чин қалбимдан ҳурмат қиламан. Ҳар куни бир изланиш, бир янгилик билан яшаймиз. Бизда «деди-деди», «ғиди-ғиди»ларга ўрин йўқ, бундай нарсалар билан шуғулланишни ўзимизга ор деб биламиз.

Ўзимиз интизомсиз бўлсак, ўзгалардан қандай интизом талаб қилиш мумкин. Тўғри, беайб парвардигор, иссиқ жон эртага нима бўлишини билмаймиз. Ахир ҳеч бўлмаса котиба биз қаердалигимизни ва қайси юмуш билан юрганимизни билиб қўйса ёмон бўлмайдику. Қолаверса, мактабда маъмурият аъзолари учун назорат дафтари тутилса бўларди. Ўқитувчиларнинг дилини ранжитиб, улар билан «даханаки жанг» қилиш раҳбар учун уят эмасми?

Мактабда «Дарс тақсимоти» бўйича алоҳида гуруҳ ўқитувчиларни дарс соатлари билан таъминласа норозиликлар келиб чиқмас эди.

Директорнинг якка ҳокимлиги ва унинг адолатсизлиги қимматга тушади. Директорнинг «Мен топшириқларни оғзаки буюраман» деган фикрига қўшилмайман. Буйруқ фақат расмий ҳужжат сифатида ёзилади. Ҳар қандай ишни ҳам очиқ кўнгиллик, самимий бажарса бўлади. Бунинг учун буйруқ бериш шарт эмас ва унга ҳожат ҳам йўқ.

Мактаб маъмуриятининг ўз ишига масъулиятсизлиги туфайли режалар ҳанузгача ёзилмаганлиги, педагогик кенгашларнинг қарорлари расмийлаштирилмаганлиги мақолада қайд этилган. Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлади. Лекин бунчалик эътиборсизликнинг ҳам чеки бўлиши керак. Ўқитувчилар руҳини кўтаришимиз, ҳеч бўлмаса бир оғиз ширин сўзимиз билан уларга яхши кайфият бағишлашимиз лозимку, ахир. Ўқитувчи дардини, қувончини биз раҳбарлар тушунмасак, ким тушунади. Ўқитувчи Бобоназар Шерматов шифохонада даволаниб-ди. Унинг соғлиғини, кўнглини сўраб бориш ўрнига касаллик варақасига ўз вақтида ҳақ тўланишига тўғаноқ бўлиш, ишончсизлик, меҳр-оқибат дарз кетганлигидан дололат эмасми?

Мактаб директори Ортиқ Нуриллаев мактабдаги йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ўрнига таҳририятга арз қилиб келишга вақт топганларига «балли». «Айритомдаги айрича манзаралар» бизнинг жамоамизда ўз аксини топмаслиги учун виждон амри билан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдик. Бу биз учун ҳам катта сабоқ бўлди.

Абдунаби ОРИПОВ,
Сирғали туманидаги 104-мактаб директори,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

6-ҳунар билим юрти оз эмас, кўп эмас мана, 35 йилдан бери фаолият кўрсатиб келяпти. Шу давр мобайнида уни битириб чиққан 20 мингдан зиёд йигит-қиз одамлар оғирини енгил қилишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Билим юрти ошпаз, сартарош, тикувчи, қандолатчи, слесарь, қўйингки, маиший хизматнинг барча турлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Марҳабо» ҳиссадорлик жамиятлари билим юртига таянч корхоналар ҳисобланади.

СУРАТДА: ҳунар билим юрти ҳаётидан лавҳа.

М. МИРСОДИҚОВ олган сурат.

Hay'at yig'ilishida

КУН ТАРТИБИДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ

Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бозор муносабатларига асосланган иқтисоднинг юзага келиши барча қатори таълим ходимларига, ўқувчилар ва талабаларга замонавий иқтисодий билимлар бериб боришни изчил йўлга қўйишни талаб қилиб қўйди.

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши кун тартибидаги «Бозор иқтисодиёти шароитида узлуксиз иқтисодий таълимни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала муҳокамасида бу жараённи кўнгилдагидек ташкил этиш борасида муайян ишлар қилинганлиги айтиб ўтилди. Жумладан олимлар, методистлар ва амалиётчилар томонидан тайёрланган ўқув-методик қўлланмалар иқтисодий таълимни мазмунан таъмин этиб турибди. Қисқа муддат ичида дастурлар, қўлланмалар, луғатлар, амалий машғулотлар тўплами, ўқув-методик мажмуалари нашр қилиниб, фойдаланиш учун жойларга тарқатилди. Жойларда ихтисослашган муассасалар ва синфлар тармоғи кенгайди. Фақатгина 1996 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида 53 та бизнес мактаби, республика банклар бирлашмаси билан биргаликда 40 та банк синфлари очилди. Уларда ўқувчилар бизнес, менеджмент, маркетинг, шартнома ҳуқуқи, амалий иқтисод, банк иши асосларини ўрганмоқдалар.

Бу йўналишда Тошкент шаҳрида, Бухоро, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва бошқа қатор вилоятларда ижобий тажрибалар тўпланди.

Бироқ шу билан бирга камчиликлар ҳам бор. Бу, айниқса, иқтисодий билим асосларини ва бошқа фанлар бўйича ўқувчилар билими сифатини текшириш жараёнида кўзга ташланди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари 9—11-синфларнинг 2 мингдан зиёд ўқувчилари ўртасида ўтказилган тест синовлари натижаларининг кўрсатишича бу ўқувчиларнинг 50 фоизи ўқув дастури доирасидаги иқтисодий билим ва тушунчаларни етарли ўзлаштирмаганлар. Мактаб ўқувчиларининг 70—80 фоизи хусусий мулк, ишбилармонлик шакллари, бозор фаолиятининг ички қонунлари, нарх ҳосил бўлишига таъсир этувчи омилларга таллуқли саволларга жавоб бера олмадилар. Шуниси айниқса, ачинарлики, ўқитувчиларнинг бу борадаги билимларини ҳам оширишга эҳтиёж катта.

Шунингдек, ўқитувчи кадрлар билан, ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашда жиддий камчилик ва муаммолар борлиги ҳам аниқланди. Жойларда тузилган иқтисодий кенгашлар фаолиятининг самарадорлиги паст.

Ҳайъат йиғилиши мазкур масала юзасидан қабул қилган қарорда қисқа муддат ичида камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, ўқувчи ёшлар иқтисодий таълимини юқори савияга кўтаришга эришиш мақсади ўз ифодасини топди. Ана шу қарор билан бирга Халқ таълими вазирлигининг республика ўқув юртларида иқтисодий таълимни такомиллаштириш бўйича қўшимча тадбирларни ҳам тасдиқлади. Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Жўра Йўлдошев олиб борди.

Мухбиримиз.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

КИМДА ҚАНЧА

Ривожланган «еттилик» давлатлари бугунги кунда аҳолининг неча фоизи хонадонларида компьютерлардан фойдаланишларини ҳам ҳисоблаб бормоқдалар. Масалан, 1996 йили Японияда 4 миллионга яқин компьютер сотилган бўлса-да, фақат 10 фоиз оилалар ўз компьютерига эга бўлиб чиқди. Ушбу кўрсаткич бўйича японлар америкаликлардан анча ортда қолмоқда. АҚШда аҳолининг 37 фоизи, Германияда 28 фоизи, Буюк Британия ва Францияда 15 фоизи хонадонида хусусий компьютердан фойдаланади.

ОЗМИ, КЎПМИ...

Берлиндаги илмий-тадқиқот марказида олиб борилган изланишлар момақалдироқ ва чақмоқнинг қишлоқ хўжалигига ҳамда атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирини аниқлашга қаратилган эди. Маълум бўлишича, сайёрамизда ҳар куни камида 44 минг марта момақалдироқ гумбурлаб, ҳар секундда 100 дан ошиқ чақмоқ ер юзига урилиб туради. Олимларнинг аниқлашига қараганда, қимматбаҳо ва фойдали маъданлар жойлашган ер юзасига яшин одатдагидан кўпроқ урар экан. Бу металл моддаларнинг суст электр қаршилиги билан боғлиқ, дея тушунтиришмоқда олимлар.

КУТУБХОНАЛАР ОЛАМИ

АҚШнинг Калифорния штатида тузилаётган компьютер тизими китобхонларга мамлакатдаги ёки дунёдаги обрўли кутубхоналарда мавжуд бўлган китобларидан фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Унга кўра, китобхон кутубхонадаги компьютер орқали ўзи истаган кутубхонага мурожаат этиш ҳамда керакли китобни экран орқали ўқиши, нусхасини олиши ва бемалол изланиш олиб бораверишi мумкин.

Tadbir

МУҲОКАМА

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасида «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»нинг «Умумий ўрта таълим» лойиҳаси барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, муассасалари раҳбарлари иштирокида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди.

Унда вилоят халқ таълими бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари ва бошқарма тасарруфидаги муассасалар ўз дастурларига эга эканликлари қайд этилди. Ҳисобкитоб ишлари кўриб чиқилган. Бу дастурларда умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўқувчиларга фан асосларини янада мукаммалроқ ўқитиш ва уларга касб ўргатиш бўйича ўрта мактаблар, касб-ҳунар даргоҳларининг сони ва турлари бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Шунингдек, илм муассасаларида Давлат таълим стандартларини жорий этиш, бошқа миллат вакилларининг билим олишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш, ўқувчилар ва мураббийларнинг ҳуқуқий билим даражаларини кўтариш ва ҳуқуқий тарбияни такомиллаштиришга бир қадар эришиляпти. Давлат тилини ўқитишни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, янги ўзбек алифбосини жорий этишни муваффақиятли якунлаш, хорижий тилларни ўқитишни янги босқичга кўтариш ва ўқув самарадорлигини ошириш, миллий, ахлоқий, маданий, тарихий анъаналарни ривожлантириш, халқ таълими муассасаларида тест, рейтинг ва диагностика усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни танлаш ва уларга табақалашган ҳолда билим бериш каби масалалар эътиборда бўлиб келаяпти.

Халқ таълими муассасаларининг ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш маҳаллий бошқарув идоралари назаридан четда эмас.

Етишмаётган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўқитувчиликка мойиллиги бор битирувчиларни аниқлаш ва уларни олийгоҳларга тайёрлаш бўйича барча туман ва шаҳарларда Давлат Тест маркази томонидан синовлар ўтказилди. Вилоятнинг 1000 дан ортиқ битирувчилари иштирок этишиб, ўз билимларини тарозида ўлчашди. Синовда қатнашган айрим битирувчилар 200—220 балл тўплашга муваффақ бўлдилар.

Вилоят халқ таълими тизими ходимлари «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури», умумий ўрта таълимнинг асосий мақсад ва вазифалари, унинг таркиби ва кутилаётган натижалар билан атрофлича таништирилди. Дастурнинг лойиҳаси тўла матни вилоят маорифчиларининг «Зиёкор» газетаси саҳифасида босиб чиқаришга тавсия этилди.

Мухбиримиз.

ДТМ ғолибларни қутлайди

Давлат тест маркази томонидан иккинчи йил ўтказилаётган «Педагогик тестларнинг энг яхши ижодкори» республика танлови халқ таълими ходимлари ва илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шуниси қувонарлики, юқори сифатли тест топшириқлари жамғармасини яратишда кенг педагогик жамоа ҳам четда қолмади.

Танловда абитуриентларни тест асосида синовдан ўтказиш кўзда тутилган барча ўқув фанлари бўйича тестлар тузган 295 муаллиф қатнашди. Бунда математика, кимё, тарих, физика, география, биология ва ўзбек тили ўқитувчилари, айниқса, фаоллик кўрсатдилар. Лекин тилларни ўрганишга қизиқиш кучайган ҳозирги кунда инглиз, немис, француз ва рус тиллари мутахассисларининг сусткашлигини тушуниб бўлмайди.

Танловда Наманган, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикаси вакилларининг фаол иштирокини ижобий ҳол деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, қирғизистонлик касбдошларимизнинг ҳам танловда иштирок этганлиги айниқса, қувончлидир.

Афсуски, танлов иштирокчилари орасида Тошкент шаҳри ва вилояти вакиллари у қадар кўп эмас, бунинг устига олий ўқув юртларидаги етакчи кафедраларнинг вакиллари ҳам танловда деярли иштирок этмадилар.

Танлов ўтказиш ҳайъати барча тақдим этилган тест саволлари мажмуаларининг педагогик тестларга қўйиладиган барча талабларга мос келишини таҳлил қилиб, уларни жиддий экспертизадан ўтказди. Танлов учун юборилган материалларни таҳлил ва таҳриз қилишда тест топшириқлари тузишга бўлган ностандарт ёндашувларнинг янгилигига, уларга жавоб вариантларининг танлаб олинишига алоҳида эътибор берилдики, шу орқали халқ таълими ходимлари томонидан ўқувчиларни алоҳида фанлар бўйича билим, малака ва кўникмаларининг объектив ва самарадор мезони сифатида таклиф этилган янги ва қизиқарли жиҳатларни аниқлаш зарур эди.

«Педагогик тестларнинг энг яхши ижодкори» республика танлови ҳақидаги низом ҳамда тақдим этилган тест топшириқларини экспертизавий баҳолаш асосида танлов ҳайъати қуйидаги муаллифларни мукофотлашга қарор қилди.

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича:

1-ўрин — Бухоро вилояти Олот туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси А. Исломовга;

2-ўрин — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Нафосат» тиллар ва иқтисодиёт лицейи ўқитувчиси Қ. Абдураҳимовага;

3-ўрин — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани А. Умарий номидаги мактаб ўқитувчиси А. П. Ҳайдаровга;

Рус тили ва адабиёти бўйича:

1-ўрин — Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси З. Х. Еримбетовага;

2-ўрин — СамДУ рус тили кафедраси доценти А. Б. Бобохўжаев ва шу кафедра ўқитувчиси С. А. Барсикянларга;

3-ўрин — Қорақалпоғистон республикаси Тахиатош шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчиси Б. У. Матчоновага.

Кимё бўйича:

1-ўрин — Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Ш. Рашидов номидаги лицей ўқитувчиси Ш. Зобировга;

2-ўрин — Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Ш. Рашидов номидаги лицейнинг 11-синф ўқувчиси Р. Қодировага;

3-ўрин — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги лицей-интернет ўқитувчиси М. С. Алибековга.

Физика бўйича:

1-ўрин — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 128-физика-математика лицейи ўқитувчиси И. Жўраевга;

2-ўрин — Тошкент вилояти Пискент туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси Т. Йўлдошевга;

3-ўрин — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Д. Фатоевга.

Математика бўйича:

1-ўрин — йўқ;

2-ўрин — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Б. У. Норқуловга;

3-ўрин — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси А. Ҳайдаровга.

Тарих бўйича:

1-ўрин — Тошкент шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси М. Тўраевага;

2-ўрин — Навоий вилояти Навоий туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси М. Ҳақбердиевга.

3-ўрин — йўқ.

Биология бўйича:

1-ўрин — йўқ;

2-ўрин — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Р. М. Жалоловга;

3-ўрин — Наманган вилояти Чортоқ шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси А. Х. Муродовга.

География бўйича:

1-ўрин — Андижон молия иқтисодиёти институтининг 2-курс талабаси У. Мирзаевга;

2-ўрин — Наманган вилояти Чуст шаҳри педагогика билим юрти қошидаги лицейнинг 10-синф ўқувчиси М. Шафиевга;

3-ўрин — Наманган вилояти Норин туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси Ҳ. Мамажоновга.

Инглиз тили бўйича:

1-ўрин — Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси О. А. Ҳамидовга;

2-ўрин — Қорақалпоғистон республикаси Муйноқ туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Қ. Одилбоевга;

3-ўрин — Наманган вилояти Учқўрғон шаҳри Охунов номидаги лицей ўқитувчиси Р. Омоновга.

Немис тили бўйича:

1-ўрин — йўқ;

2-ўрин — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси Қ. Жўрахоновга;

3-ўрин — Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридаги 10-гимназия ўқитувчиси П. Каримовга.

Француз тили бўйича:

1-ўрин — йўқ;

2-ўрин — Жиззах шаҳридаги 24-мактаб ўқитувчиси Қ. Очиловга;

3-ўрин — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги мактаб ўқитувчиси А. Уринбоевга.

Давлат тест маркази барча танлов ғолиблари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузади.

Шу билан бирга, танлов ҳайъати фанлар бўйича тест тузишда қатнашган қуйидаги муаллифларнинг хизматини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтишни лозим топади:

Узбек тили ва адабиёти бўйича:

Х. Жабборов — Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Т. Отахонова — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси.

Рус тили ва адабиёти фани бўйича:

Н. Кашина — Наманган шаҳридаги 34-мактаб ўқитувчиси.

Р. Эргашева — Бекобод шаҳридаги 20-мактаб ўқитувчиси.

Математика бўйича:

В. Уринбосаров — Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси.

Х. Бобожонов — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 4-лицей ўқитувчиси.

Э. Тураев — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси.

Физика бўйича:

Ш. Иззатов — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 1-гимназия ўқитувчиси.

Инглиз тили бўйича:

С. Отаева — Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани Низомий номидаги мактаб ўқитувчиси.

Давлат тест маркази барча танлов ғолибларини ва хизматлари ҳайъат томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилган иштирокчиларини ҳамма фанлар бўйича тест саволлари тузишда фаол ҳамкорлик қилишга чорлайди.

ҒОЛИБЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

Самарқанд болалар ижодиёти марказида бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси — 97» кўрик-танловида вилоятнинг 22 та туман ва шаҳарларидан сараланган ижодкор муаллимлар беллашдилар. Беллашув ҳар бир иштирокчидан юксак билим, маҳорат, ижодкорлик ва болажонликни талаб қилди. Кўрик-танловда Каттақўрғон шаҳридаги 17-гимназия мактаби бошланғич синф ўқитувчиси М. Каримова 1-ўринни, Сиёб тумани бошланғич синф ўқитувчиси Д. Зоҳидова II ўринни, ургутлик ўқитувчи С. Бобомуродова III ўринни эгаллашди.

Каттақўрғонлик Мунаввар Каримовага Республика кўрик-танловига иштирок этиш учун йўлланма берилди. ВХТБ бошлиғи Анвар Бекмуродов барча иштирокчиларни қутлаб фахрий ёрлиқлар топширди.

Биринчи ўрин соҳибига эса қимматбаҳо совғалар топширилди.

Вилоят халқ таълими ва фан касаба уюшмалари қўмитаси раиси Ҳасан Норбеков беллашув иштирокчиларини қутлаб совринли ўрин соҳибларига бепул дам олиш учун йўлланмалар топширди.

МУАЛЛИМ ТАЙЁРЛАШНИНГ МЎЪЖАЗ УСУЛИ

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида педагогик кадрлар тайёрлаш масалалари ҳам ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Касб хусусияти ва бугунги кун шароити узлуксиз педагогик таълимни тажрибада синалган педагогик синфлар; бакалавратура ва магистратура; педагогларнинг малакасини ошириш тизимини узвий такомиллаштиришни талаб этади. Узлуксиз педагогик таълим, айниқса, унинг биринчи босқичи концепцияси яратилмаган. Биз кўп йиллик тажрибага асосан — педагогик синфлар ҳақида мулоҳазаларимизни баҳам кўрмоқчимиз.

Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги университет) умумий педагогика кафедраси ва Қарши шаҳар 25-ўрта мактаби ҳамкорлигида 1988-89 ўқув йилида педагогик синфлар ташкил этилган эди. Ҳар йили педагогик синфга тўққиз йиллик таълимни тугатган йигирмага яқин ўқувчи танлов асосида қабул қилинади. Кафедра олимлари, мактаб ўқитувчиларидан иборат комиссия ўқувчиларнинг лаёқати, фанларни узлаштирган даражаси мезонида танлов ўтказадилар. Педагоглик касбини тарғиб қилиш, касбга йўллаш мақсадида «Педагогик синф» методик тавсияномаси тайёрланди, унинг дастури ишлаб чиқилди. Ўқув режасини факультатив соатлар ҳисобидан ўқитиш ташкил этилди.

Педагогик синфда ўқиш икки йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги имтиҳон якунига кўра синфдан-синфга ўтказилди ва битириш гувоҳномаси топширилди. Университет ректори ва мактаб директорининг қўшма буйруғи билан битириш имтиҳони комиссияси кафедра олимлари ва мактаб етакчи ўқитувчилари таркибида тузилади. Ихтисослашган комиссиянинг қарорига асосан битирувчилар қайси соҳада ишлашлари мумкинлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Ўтган даврда кафедра қошидаги педагогик синфларни юздан ортиқ ёшлар тамомлаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиндилар. Қўплари олий ўқув юртига кирганга қадар мактабларда лаборант, тарбиячи, ёшлар ташкилотлари етакчилари, ўқитувчилар етишмаган жойларда фан ўқитувчиси вазифасида муваффқиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Педагогик синфларни ташкил этишдан мақсад ҳам шу ихтисослар бўйича етишмовчиликни қоплаш, ёшларни мактаб партасидаёқ ўқитувчилик касбига йўллашдан иборат эди. Халқ таълими вазирлигининг қарори билан 1991 йили педагогик синф битирувчилари педагогика институтига имтиҳонсиз қабул қилиндилар. Педагогик синф орқали институт ва техникумга қабул қилинганлар муваффақиятли ўқиганликларини таъкидламоқ лозим. Олий ўқув юртини битирган дастлабки қалдиргочлар мактабларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Педагогик синфларда фанлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилади, мутахассислар томонидан ўқитиш методикаси, педагогик амалиёт ўргатилади. Педагогика, психология асослари ўқув дастури 240 соатга мўлжалланган бўлиб, бу фанларни кафедранинг етакчи олимлари ўқитадилар. Мактаб ва кафедра билан икки томонлама тузилган шартномага асосан ҳафтада бир кун университет лабораторияларида машғулот ўтказилади. Профессор ўқитувчилар ўқитган соатлари учун мактаб ҳисобидан маош оладилар ва ўқитувчилар учун барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Педагогика дастури ўқувчиларни касбга йўллаш, педагоглик фаолиятига тайёрлашни ҳисобга олиб педагогика тарихи, тарбия назарияси ва методикаси, мактабшунослик асослари, синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларининг педагогик асослари мазмунида тузилган. Педагогик синф битирувчилари, аввало, ёшлар ташкилотларининг етакчилари, тарбиячи вазифаларида ишлаши эътиборга олиниб, уларга синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни ва методлари чуқурроқ ўргатилади.

Педагогик синфларда ўқитувчилик касбига йўллаш узлуксиз педагогик таълим тизимининг дастлабки босқичидир. Албатта, кейинги босқичлар билан узвийлик, ворислик ва узаро боғлиқлигини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирги бакалавратура ўқув тизимида ўқитувчилик касбига тайёрлаш даражаси пасайганини, педагоглик фаолиятига йўналтириш мақсадидан четлашган ҳолатининг гувоҳи бўламиз. Физика, химия, математика, тил ва адабиёт бакалаври ва бошқа фан ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув режасида педагогика, психологияга қирқ олти соат, тортишувлардан кейин саксон соат ажратилган. Мустақиллик туфайли ўз тарихимизни, боболаримиз меросини ўрганиш бахтига муяссар бўлганда ва бир нечта педагогика тарихига оид дарслик, қўлланмалар чоп этилганда, у ўқув режасидан олиб ташланди. Маънавият-маърифат истиқбол омили сифатида қадрланганда, тарбия ишлар методикаси ўқув режасига киритилмаган, мактаб тўбдан ислоҳ қилинаётган бир даврда мактабшуносликдаги янги қонун ва илғор тажрибалар, педагогик маҳорат масалаларини бўлажак ўқитувчиларга ўргатишга соат ажратилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?! Шу каби педагогика тарихи, назариясини, психологияни мукаммал билмасдан ҳозирги давр талабига мос ўқитувчи бўлиш мумкинми?! Миллий дастурда педагогик таълимдаги «пала-партиш» ўзгаришлар тузатилишига умид қиламиз. Биз ташкил этган педагогик синфларда педагогика тарихи, мактабшунослик, тарбия ишлари методикаси ўзига хос мазмунда ўрганилади. Амалий фаолиятда ҳам битирувчилар бу борадаги билим ва қобилиятларини кўрсатганларини қониқиш билан қайд этмоқ лозим.

Асосий масала бу тажриба давр тақозоси билан вақтинчалик тадбир бўлиб қоладими ёки келажакда ҳам қўллаш мумкин эканлигида. Мактаб партасидаёқ педагоглик касбига йўллаш мамлакатимизнинг ҳудудларида ўзига хос турли шаклда фаолият кўрсатаётгани маълум. Булар ёш педагоглар мактаби, сиртқи педагогик синфлар, вақтли курслар, педагогик синфлар ва ҳоказо.

Тажрибалар умумлаштирилмагани, алоҳида низом, дастур, ҳуқуқий ҳужжатлар йўқлиги туфайли мақсадлар уйғун бўлгани билан педагогик таълим илк босқичининг тузилиши ҳар хил. Масалан, сиртқи педагогик синфларда педагоглик касби билан таништирилади, адабиётлар билан таъминланади ва вақти-вақти билан маслаҳатмашғулотлар ўтказилади. Мана, Наманган давлат университети кафедралари қошида ташкил этилган олти ойлик, бир йиллик пуллик курсларга асосан урта мактабни битирганлар қабул қилинар экан. Улар, аввало, олий ўқув юртларига киришга тайёрланади ва берилган махсус гувоҳномалар билан етишмаган жойларда ўқитувчи, лаборант (физика, химия бўйича) вазифаларида ишламоқдалар. Бу ташаббус ҳозирги ўқитувчилар етишмаётган бир даврда хайрли ишдир, чунки билимга интилувчи ёшларга имконият яратилади ҳамда мактаблар муаммоси ҳал бўлади.

Педагогик таълимнинг биринчи босқичи педагогик синфларнинг мақсади, аввало, касб танлашга йўллаш бўлиб, бўлажак ўқитувчиларнинг ёшлар билан ишлашга лаёқати, унинг болаларга бўлган қалб ҳарорати, иродаси, ташкилотчилик қобилияти ва учраб турадиган педагогик вазиятларни еча олиш маҳоратини аниқлашнинг қулай йўлидир. Педагогик касбининг мураккаб томонларини билмасдан тасодифан олий ўқув юртига кирганлар, тезда бу касбдан совийдилар, айримлари қанча ҳаражатлар билан педагогик маълумот олганидан кейин ҳам бу соҳада ишламайдилар.

Хулоса шундан иборатки, биринчидан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳар бир касбга, жумладан, педагоглик касбига ҳам ўрта мактабданоқ йўллаш масаласи киритилиши зарур. Ўқитувчилик касбига йўллашнинг асосий шакли педагогик синфлар бўлиб, унда таълим-тарбиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, зиёкорликнинг мураккаб ва ҳаловатли томонлари, педагогика, психология асослари билан таништирилиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина биз ёшларни онгли касб танлашга йўллаган, давр талабига мос фидойи мутахассислар тайёрлашга эришган буламиз.

Иккинчидан, жойларда ўқитувчилар, тарбиячилар етишмаслиги, шунингдек, ёшларни ўрта мактабни аъло тамомлаб ишга жойлашолмай юрган (чунки касбга йўналтирилмаган) ҳолатлари мавжуд. Педагогик синфларни оммалаштириш, ҳар бир туманда камида битта, иккита, қолаверса ҳар бир фан бўйича педагогик синфлар ташкил этилиши ўқитувчилар билан таъминлаш муаммосини вақтинчалик ҳал этади. Педагогик синфларни битириб, ўз устида изчил ишлаган, мураббийлар раҳнамолигида педагогик тажрибани яхши эгаллаганлар ўқитувчи бўлиб қолиши ва сиртдан билим олиши ҳам мумкин. Педагогик таълимнинг дастлабки босқичи — мактаб курсисидан ўқитувчилик касбига йўллаш бўлажак мутахассислар тайёрлаш сифатини ҳам оширади, педагоглик фаолиятида ҳам рақобат, танлов имкониятини яратади. Шунинг учун педагогик синфларнинг мақоми, унинг битирувчиларига бериладиган сертификат тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланиши, ўқув режаси ва дастури ишлаб чиқилиши зарур.

Абдишукур ЧОРИЕВ,
Қарши давлат университетининг доценти, педагогика фанлари номзоди.

Qadriyatlarimiz

ТЕРАН ТОМИРЛАР

ЁКИ ТАРИҚАТ ИЛМИ УСТОЗ-ШОГИРДЛИК ҲАҚИДА

Баъзан ҳозирги ёшларнинг тарбияси бузилиб кетди, дея афсусланамиз. Қадимги Миср ёдгорликларининг бирида ҳам худди шундай, «ҳозирги ёшлар бузилиб кетди», деган битик бор. Хуш, нега шундай? Ёшлар бузилган бўлса, унинг сабаблари нимада? Кўпчилик дарҳол «замон бузилган» дейди. Бу фикр мутлақо асоссиз. Замон вайронага айлангани йўқ, яъни бузилмаган. Замон ва макон аввалгидай: қуёш, ой, юлдуз, осмон, ҳаво, ер, дарахтлар, ҳамма-ҳаммаси мавжуд. Замон бузилса, ҳаёт тугайди, охир замон, қиёмат қойим бошланади. Демак, Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг «замонни сўкманглар, чунки, соҳиб-замон Оллоҳдир» деган муқаддас ҳадисини бироз унутганга ўхшаймиз. Ёшлар тарбияси, хусусан билими, одоб, ахлоқида салбий чекиниш юзага келибдими, демакким, катталар, аниқроқ айтганимизда, устозларнинг ёшларга таъсири сусайган. Ёки аксарият фарзандларимиз беустоз, яъни ҳар мақомга йўрғаловчилардир. Эҳтимол катталар яратган таълим-тарбия тизими давр талабларига жавоб бера олмай қолгандир. Тўғри, 120 йилдан ортиқ давом этган мустабид тузум туркона таълим ва тарбияга салбий таъсир этди. Даҳо халқимизда «Устоз отангдан улуғ», деган мақол бор. Шунинг учун ўзиёқ буюк ва доно ота-боболаримиз устоз ва шогирдликнинг бетакрор, ўлмас намуналарининг ижодкори бўлганлиги исботидир. Бугун мустақиллик даврида яшаяпмиз, юксалиш учун маънавиятимиз туб илдизлари бўлган қадимий ва боқий устоз-шогирдлик анъаналарини асл моҳияти билан барча соҳаларга тадбиқ қилиш зарур ва муҳим.

Муқаддас Турон заминда шаклланган ва ривож топган жаҳоншумул Нақшбандия тариқати ва унинг пирлари: Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Ориф ар-Ревгарий, Маҳмуд Анжир ал-Фиғнавий, Хўжа Али Рометаний (бу зот Хўжаи Азизон номи билан машҳур), Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд илгари сурган ғоялар устоз ва шогирдликнинг бетакрор кўзгусидир. Тариқат пирлари, ҳозирги тил билан айтганда, фидойи муаллимлар бўлиб, бир неча авлодни аср-асрлардан буён тарбиялаб камолотга етказмоқда. Шу сабаб XX аср охирида ҳам бутун инсоният тариқат пирларининг устод ва шогирдликдаги боқий анъаналарини янада кенгроқ ўзлаштириб олишга интилмоқда. Хўш, биз зикр этган тариқат пирлари яратган таълимотда устоз ва шогирдлик муносабатлари қандай бўлган? Манбаларни синчиклаб кўздан кечирсак, муршид (пир)лар ўз даврининг энг етук кишиларидир. Негаки, тариқатда устозлик масъулияти бениҳоят юксак даражада англашилади. Хусайин Воиз Кошифийнинг бизгача етиб келган «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» номли нодир пандномасида устоз-шогирдлик одоби, сифат ва масъулият тўғрисида теран фикрлар билдирилган. Асарда ўз камолот даражасини тўла эгаллаган ва шогирдларини ҳам шу даражага етказишга қодир кишигина устозликни (яъни шайхликни) давом эттириши мумкинлиги алоҳида баён қилинади.

Ҳусайин Воиз Кошифий шайхлик (пирлик)нинг тўртта асосий шарти мавжудлигини алоҳида ёзади: (қайд — Н. Худойназарова).

— биринчи, муридни (шогирд) барча ғам, андуҳ, зулматдан халос этиш;

— иккинчи, муридга раво деб буюрилган қоидаларга ўзи ҳам амал қилиш, мурид учун ман этилган нарсаларни ўзи ҳам тарк этиш;

— учинчи, ўзини бамисли чўпон, муридларни эса рама ҳисоблаб, ҳар қандай вазиятда ҳам мурид ҳимоясидан бош тортмаслик;

— тўртинчи, муриднинг моли мулкини ўз манфаати учун ишлатмаслик ва ўзлаштирмаслик.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам тариқат пирлари (Нақшбандия тариқати назарда тутилади) шогирдлар камолотини ўз шахсий ғуруруларидан доимо устун қўйганлар. Ҳазрат Амир Кулол ўзларининг биринчи ўғиллари Амир Бурҳониддинни ўз шогирди Баҳоуддин Нақшбандга шогирдликка берадилар. Бу тўғрида манбада қуйидаги нақл сақланган: «Устоз шогирдини тарбия қилиб, тарбиясининг асарини ўз шогирдида кўриш орзусида бўлади ва қилган тарбияси ўз ўрнида бўлган, бўлмаганига ишонч ҳосил қилишини истайди. Агар шогирдида бирон нуқсон кўрса, тарбия билан ўша нуқсонларни тузатади». Демакким, пирнинг тафаккур даражаси шогирд камолотини белгилайди. Шунинг учун ҳам шариатда устознинг кимлигига қараб шогирди тўғрисида маълум хулоса чиқарганлар.

Ҳикоятдан уқишимиз мумкинки, устозлик масъулияти юксак. Аёнки, бундай теран ақлий вазифани ҳар ким ҳам уддалай олмаган. Тасаввуфда пирлар ҳар учраганни шогирдликка олавермаганлар. Улар ўз шогирдларининг садоқатларини турли йўллар билан синаб, холис ва кучли муҳаббат эгаларигагина тўла ботиний қувватларни берганлар. Жумладан, ҳазрат Саййид Амир Кулол ҳам Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан шундай йўл тутган. Нақл қилишларича Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Жазаба ва беҳудлик жараёнида аёгини хашак ва тиканлар мажруҳ қилар эди. Эски пўстиним доим эгнимда. Иттифоқо қиш фасли, ҳаво қаттиқ совуқ. Тунда Саййид Амир Кулол суҳбатининг жозибаси менда пайдо бўлиб қолди. Уларнинг манзилига етишдим. Амир Дарвишлар билан ўтирган эдилар. Уларнинг манзилида муборак назарлари менга тушгач, «Бу ким?» деб савол қилдилар. Маълум бўлгандан сўнг дедилар: «Зудлик билан уни бу ердан чиқариб ташланглар». Чиққач, яна қайтиб кирдим. Дарғазаб бўлдилар ва ҳайдаб чиқариб, орқасидан дедилар: «Бошқа келмаганким, сенинг ҳожатинг бу эшикдан раво бўлмайди»,

Ҳусайин Воиз Кошифий мурид (шогирд)га ўнта шарт қўяди.

Мана ўша шартлар:

— Шогирд балоғат ёшига етган бўлиши шарт. Чунки, балоғатга етмаган кишини тавбага келтириб бўлмайди ва тавба қилмаган одам муридликка муносиб эмас.

— Шогирд оқил бўлиши лозим, чунки ақлли бўлмаса, сўзнинг пасту баланди, рамзий, ботиний маъноларини англамайди.

— Садоқатли бўлсин, чунки агар сидқидилдан киришмаса, пирнинг маърифатли қўнглидан жой олмагай ва агар пирнинг сўзи дилига таъсир этмаса, у мақсадга етмайди.

— Қаноатли бўлсин, яъни фақат зарурий эҳтиёжга яраша нарсалар (еб-ичиш, кийиниш) билан қаноатланса, ортиқчасини талаб қилмасин, зеро ортиқча талаблар кишини тариқат йўлидан четлаштиради ва ҳоказо.

Хуллас, нодир қўлёзмалар шундан гувоҳлик берадики, бутун ислом оламида ўзининг салмоқли мавқеига эга бўлган Нақшбанд тариқати намоёндалари ҳаёт фаолиятида бугунги кунда ҳам ўрганса, ибрат олса арзигудек, устоз ва шогирдлик анъаналари мавжуд бўлган. Яна шуни унутмайликки, устоз ва шогирдлик оддий тушунча эмас. Аксинча, жамият ва давлат аҳамиятига молик улкан қўламдаги ижтимоий фаолиятдир. Демак шогирд тайёрлашда йўл қўйилган хатолар арзимас шахсий нуқсонлар бўлмай, балким миллат равнақига етказилган маънавий зиёндир. Шу маънода Муҳаммад Бобойи Самосийнинг Саййид Амир Кулолга қараб айтган мана бу сўзларини эслаш ўринлидир: «Фарзандим Баҳоуддинга шафқатсизлигини дариғ тутмагайсан, агар нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман».

Таассуфки, мустақилликка эришгандан кейин ҳам гарчанд устоз дея аталаётган бўлсалар-да, қатор ўқитувчилар бу эъзозли номга номуносиблигича қолмоқдалар. Жумладан, билим савияси қолипланиб қолганлиги, ўзаро муносабатда (устоз-шогирд) самимийлик йўқлиги, илмда эмас, зулмда ўзини устунликда тутиш ва ҳоказо. Айрим ношуд «устоз»лар қадди букилган шогирдни қалби билан эмас, қули билан тикламоқчи бўладилар. Оддий ўқитувчиликни ҳам устозлик дея англайдилар. Ҳа, бугун ўқитувчилик касбга айланиб қолди. Аммо устозлик касб эмасқу. Шайх Саъдий бу борада ҳақ гапни айтган:

«Сийму зар чиқғусидир тошдин,

Барча тошдин чиқмағусидир сийму зар.

Чун қуёш ер юзиға парнав солур,

Барча ерда лола бўлмас жилвагар».

Демак, тарихий қўлёзма манбаларни синчиклаб ўрганмоқ, устоз ва шогирдликнинг ғўзал намуналарини халққа яна қайтадан тақдим этмоқлик илм аҳлининг муҳим вазифаларидан биридир. Шу маънода тариқат пирларининг фаолияти ҳам устоз-шогирдлик тўғрисида ажойиб маълумотлар бера олади.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.
Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги ТДПИ проректори.
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ
«Амир Темур халқаро илмий экспедицияси» матбуот маркази бошлиғи.

АМЕРИКАЛИКЛАР ДАРС ЎТИШДИ

Мактабларда машғулотлар тугаб, ўқувчилар ёзги таътилда бўлсалар-да ўша дарс ўтилаётган кезлардаги воқеалар хотирадан ўчмайди

...Бешариқ шаҳридаги 14-ўрта мактабга «Тинчлик Корпуси» аъзоларидан 12 киши ташриф буюрди. Мақсад вилоят инглиз тили ўқитувчиларининг шу тилдан дарс бериши юзасидан анжуман ўтказиш эди.

Меҳмонлар дастлаб мактабнинг эстетик жиҳозланишини томоша қилдилар. Саҳна кўринишлари намойиш этилди.

«Тинчлик Корпуси» кўнгиллилари АҚШ мактабларида тил, экология ва иқтисодиётни ўргатиш услублари ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Муаллимлар шу куни тўққиз гуруҳга бўлиниб, амалий мулоқот олиб бордилар. Улар ҳузурида «Тинчлик Корпуси» вакиллари дарс ўтишнинг тасвирларни кўрсатиш ва ҳаракат билан боғлиқ замонавий фаол услубларни қўллаб, таҳлилий машғулот ўтишди.

Меҳмонлар кенг оммалаштиришни маслаҳат берган биринчи услубда синф тахтасига расмлар чизилади ва уларнинг номи ёзилади.

Иккинчи услуб ҳаракат билан бажарилади. Бунда муаллим жойида юғуриб ёки юриб кўрсатади. Ана шу ҳаракатлар номини синф тахтасида баён этади, кўради, сўзларни ўқийди. Шу алфозда ҳаракатларнинг хорижий тилдаги номи боланинг хотирасида яхшироқ муҳрланади.

Умуман олганда, ўтказилган тажрибалар хотира ҳақида баъзи бир хулосалар чиқариш имконини беради. Масалан, бола машғулотда бирор нарсанинг номини эшитса, шу эшитгани унинг хотирасида 10 фоиз сақланади. Агар у эшитса ва эшитганини ёзса, бу ном хотирада 40—50 фоиз қолади.

Бола бирор нарсанинг номини эшитса, кўрса, ёзса ва амалда бажарса, бундай услуб 90 фоиз самара беради.

Америкалик меҳмонлар намойиш этган услублар интенсив педагогикага хос бўлиб, уни асосан 6-синфгача қўллаш мумкин. Бундан кейин эса дарс бевосита коммуникатив услубда ўтилади. Ҳолбуки, коммуникатив ва ҳаракатли фаол услублар бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб боради.

Бола бу машғулотларда ўзини эркин ва қувноқ сезади. У муаллим билан биргаликда ҳаракат қилади, ёзади, чизади, амалий иш бажаради.

Йиғилиш сўнгида меҳмонлар ўзларининг айрим фикрлари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, «Тинчлик Корпуси»нинг бизнес бўйича директори Жон Вейд шундай деди: «Инглиз тилини ўрганиш замонавий таълимнинг асосий қисмларидан биридир. Шунинг учун тилнинг жонли, фаол ташувчилари билан мулоқот ўтказиш жуда муҳимдир. Зеро, сизларда шу вақтгача инглиз тили фақат китоблардан ўрганилар эди. Бевосита мулоқот эса ўрганишни тезлаштиради ва тилга бўлган қизиқишни оширади».

«Охирги уч ойда мана шундай йиғилишлар Қўқон ва Наманганда бўлиб ўтган эди, — деди «Тинчлик Корпуси»нинг бизнес бўйича ёрдамчиси Равшан Аюпов. — Энди уни бошқа жойларда ҳам тез-тез ўтказмоқчимиз. Бунда ўзаро фикр алмашиш катта аҳамиятга эга.

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг инглиз тили бўйича методисти Ҳаётхон Тўхтаровнинг фикрлари мана бундай: «Америкалик меҳмонлар яқинда институтимизга 22 томлик жаҳон қомусий китобларини совға қилишди. Бу уларнинг эзгу мақсадини, яъни Ўзбекистонга тил, маданият, этнографияни ўрганиш, Америка ҳақида маълумот бериш, ёрдам кўрсатиш учун келганларини билдириб турибди».

Анжуманда «Тинчлик Корпуси» аъзоларининг вилоят хорижий тил ўқитувчиларига мурожаати қабул қилинди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ГУЛХАН»

Журналнинг янги, 5-сонида «Унутилмас қўнғироқлар», «Қўрқоқлардан қўрқаман» (Иброҳим Раҳим), «Оққан дарё оқаверади», «Менинг нурли эртагим», «Гўзаллик яратувчилар», «Олтин балиқ» ва шу каби ҳикоя, бадиий публицистик мақолаларни ўқишингиз мумкин. Айниқса, Ориф Тўхташнинг «Арзномалар туркуми». «Гулхан ханда»лари ўсмирларбоп ёзилган.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

Мана кўриб турганингиздек, «Соғлом авлод учун» журналининг навбатдаги сони ҳам тандирдан узилди. Унинг ушбу сонида 1 июнь — болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган тасвирли саҳифаси, мушоира рукни остида «Аср ўртасидаги фарёд», «Алпомиш авлодлари» рукнида «Мактаб: жисмоний тарбия муаммолари» мақолалари журналхонни эътиборсиз қолдирмайди. Шунингдек, журнал саҳифаларидан ўрин олган мақолалар, ҳикматлар, панд-насиҳатлар ва бошқа қизиқарли мақолаларни ўқиган ўғил-қизларнинг дунёқараши янада бойийди.

«ҒУНЧА»

Кичкинтойларнинг боғида севимли журналнинг 6-сони «ғунча»лади. У ғунчалар ҳар бирингиз хонадонингизда очилгай ва болалар кўнглига қувончин сочгай. Унда жорий алифбо ва лотинда берилган қизиқ ҳамда сирли воқеалар рангли суратлар жажжи кичкинтойларнинг шодлигига шодлик қўшгай. Марҳамат ўқинг, азиз кичкинтойлар!

«ТИТАНИК» ҲАЛОКАТИ ЁКИ ЁЗУВЧИ БАШОРАТИ ҲАҚИДА

20-аср инсоният тараққиёти йўлидаги энг катта бурилиш бўлиб қолиши, шубҳасиз. Бугунги кунда оламда юз бераётган ўзгаришлар кўлами шундай кенгки, ҳатто ақл бовар қилмайдиган ихтироларни ҳам турфа хил кашфиётлардан бири сифатида қабул қилишга кўникиб қолганмиз. Тафаккур баъзан одимлаб турса, баъзан улкан қадамлар ташлаб илгарилаб кетмоқда. Оддий кишилар тугул, не-не олимлар ҳам янаги асрда инсониятни нималар кутаётганини кўрсатиб беришда қийналиб қолмоқдалар. Шунинг учунми, Жюль Верннинг фантастик асарларини ўқиган киши бугун ҳам ҳайратга тушаверади. Унинг 19-асрнинг иккинчи ярмидаёқ Ернинг сунъий йўлдошлари, космик кемалар, кино ва телевидениени олдиндан кўра билганини тушунолмай қийналади. Герберт Уэллс эса Эйнштейн ўзининг нисбийлик назариясини эълон қилишидан ўн йил олдин «Вақт машинаси» номли асарини ёзиб тугатган эди. 17-асрнинг биринчи ярмида Францияда яшаб ўтган шоир Сирано де Бержерак ракеталар, космосдаги вазнсизлик ҳолати ҳамда шаҳарларни тунлари ҳам кундузгидек ёритиб турувчи манбалар тўғрисида асарлар ёзиб қолдирган. 1726 йили нашр этилган «Гулливернинг саёҳати» китобининг муаллифи Жонатан Свифт Марс сайёрасининг иккита йўлдошини тасвирлаб берган эди. Марснинг йўлдошлари илм-фанда 1877 йилдагина аниқланган холос. Нима бу? Биз эшитган башоратлар ичида энг кучлиларими ёки ўткир тафаккур меваларими? Сўзсиз, биздан кейин ҳам бу саволга жавоб топиш кийин.

Америкалик ёзувчи Морган Робертсоннинг 1898 йилда нашр этилган китоби ўша йилларда ҳозиргидек эътиборга лойиқ деб топилмаган эди. Бироқ унинг китоби 20-асрда юз берган даҳшатли ҳалокатни олдиндан тасвирлаб берган эди. Унда Атлантика океани бўйлаб саёҳатга чиққан улкан кеманинг ҳалокати тўғрисида ёзилган эди. Ёзувчи ўз хаёлидаги кема ўлчамларини ҳам лўндалўнда қилиб тасвирлаган эди: узунлиги 243 метрли, учта улкан парракли, жаҳондаги энг катта кема. Апрель ойининг совуқ тунларидан бирида ана шу кема уч минг киши билан айсбергга урилади ҳамда ғарқ бўлади.

Орадан ўн тўрт йил ўтгач, инглизлар сув сиғими 66 минг тонналик, 268 метр узунликдаги, учта улкан паррак ёрдамида ҳаракатланувчи энг улкан кемани ясайдилар. «Титаник» деб номланган ана шу кема 2207 йўловчи билан Атлантика океанидаги Нью-фаундленд оролидан 200 километр жануби-ғарбда 1912 йилнинг апрель ойида сирли равишда ҳалокатга учрайди. Қутқариш воситаларининг камлигидан бор-йўғи 712 нафар йўловчи омон қолади...

Шу пайтга қадар бу мудҳиш фалокатга бағишланган 3000 га яқин китоб ёзилди, 50 дан ошиқ кинофильмлар яратилди. Шу йилнинг апрель ойида «Титаник»нинг 85 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмаларда ғарқ бўлган кема қолдиқлари намойиш этилди. Булар ичида 1985 йили океаннинг 3800 метр чуқурлигидан топилган кема бўлаклари, йўловчиларнинг буюмлари ҳам бор. Кўргазмада қатнашганлар бир нарсани сўзсиз хаёлдан ўтказган бўлишса керак. Ёзувчи Морган Робертсон ҳам ўз кемасини «Титаник» деб атаган эди...

Ойбек ҲАКИМОВ
тайёрлади.

АДИБ ОРЗУ ҚИЛГАН ЗАМОНДА

Халқимизнинг жонкуяр фарзандларидан бири, адиб Абдулҳамид Чўлпон орзу қилган ҳурлик ва эрк замони ватандошларига насиб этганлиги, ул зот таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларда ҳам қалбларга қувончу шодликлар туҳфа этмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан яна бири бўлиб ўтди. Кечада адиб асарларидан кичик саҳна кўринишлари, суратлар ва деворий газеталар бўйича танлов бўлиб ўтди. Ғолибларни эса Самарқанд шаҳри беминнат саёҳатга чорларди. Ушбу тадбир Тошкент авиация коллежида, Ватан келажаги — ёшлар даврасида бўлди.

Чўлпоннинг дардли дили садолари шеър ва қўшиқ бўлиб уқувчилар овозида янгради.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ЗАРУРАТИ

(Боши 1-бетда).

ришади. Бу каби чора-тадбирлар етарли эмас, назаримда.

Заруратдан келиб чиқиб ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини пухта эгаллашлари учун бу соҳага эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг учун 1-синфдан бошлаб ҳуқуқ алифбосини, дарсини режага қатъий киритиш керак. Ҳар бир синф учун алоҳида дастур, дарслик, қўлланма, кўргазмали қуроллар жуда зарур.

Энг муҳими, дарс самарадорлигини ошириш учун «Ҳуқуқшунослик» дарсини мутахассис ўқитувчи ўқитгани маъқул. Уни бир нечта ўқитувчига 2-3 соатдан тарқатиб юбориш бўлмайди. Бир киши ўқитса, масъулиятни сезади. Келажакда ўз иши натижасини кўради.

Соҳа ўқитувчиларини тайёрлаш — долзарб иш. Олий ўқув юртларида малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида курслар очиб, бўлимлар ёки куллиёт ташкил қилиб, педагогика билим юртларида махсус фан сифатида ўқитилса, муаммо ҳал бўлади.

Ҳа, ёшлар мактабда ҳуқуқий билимларни атрофлича ўзлаштириб олишса, жиноят кескин камаяди. Бозор иқтисодиёти даврида ўз йўлини тўғри топиб олишади.

Биз ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Қонун ҳамма соҳада, барча жойда устивор бўлади. Шу боис ҳуқуқий билимларни чуқур ўрганиш ҳаёт талабидир.

Шамидулла ОТАҚУЛОВ,
Пойариқ туманидаги 1-ўрта мактаб директори ўринбосари, Халқ таълими аълочиси.

Fanimiz fidoyilari

ИЛМДАН БАХТ ТОПГАН ОЛИМА

Ажойиб, оқила аёл, медицина фанлари доктори, профессор Сайёра Абдураҳмоновага ҳам олимлик ўз-ўзидан насиб этган эмас. «Катта бўлганимда врач бўламан» деган беғубор болалик орзуси ушалгунча қанчалик машаққатли йўлни босиб ўтди. Ҳаловатсиз кунларининг, уйқусиз тунларининг ҳисоби бормикин? Орзу билангина иш бита қолса қанийди. Йўқ. Уни рўёбга чиқариш учун чексиз ирода, тинмай интилиш, қунт билан ишлашга куч топа билиш керак бўлади. Шундай куч Сайёра опада бор! Шу куч уни Самарқанд Тиббиёт институтининг педиатрия факультетига етаклади, уни имтиёзли диплом билан тугатгач эса аспирантурага бошлади. Шу куч сабаб бўлдики, тақдир Сайёра опага меҳрибон устозларни рўбарў қилди. Институтнинг К. Ваҳобова, М. Голуб, А. Аҳмедов, Х. Ҳамроев, Б. Қорахўжаев каби олимлари эзгу ишларига раҳнамолик қилди.

Ҳаловатни бегона билган С. Абдураҳмонова 1975 йил «Касал болаларнинг ҳомиладорлик гипотрофияси ёши овқатланишига қараб модда алмашинувининг баъзи хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик ва 1994 йилда «Кичик ёшдаги болаларда нефропатиялар» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлади. Илмга чанқоқ олима шу билангина чегараланиб қолган эмас. Унинг раҳбарлигида 80 га яқин илмий, 18 та услубий иш, 75 та мақола, 1 монография, 13 та методик қўлланма чоп этилган.

Профессор С. Абдраҳмонова, мана, бир неча йилдирки СамТИ 1-клиникасида жойлашган даволаш факультети болалар касалликлари кафедрасини бошқариб келмоқда.

Сайёра опанинг болалик орзуси врач бўлиш эди дедик. У врач бўлди, бўлганда ҳам ҳақиқий, билимдон, меҳри дарё врач бўлди. Ундан шифо излаб келган кишиларнинг жони ором топмаса, унинг қалби ором топмайди. Устозлар яхшилигини кўрган. Уларга ҳавас қилган С. Абдураҳмонованинг ўзи ҳам бугун устоз. У талабаларга дарс бериш билан бирга институт илмий кенгаш аъзоси. Олимага хос тиришқоқлик, талабчанлик фазилатлари, жамоат ишларида ҳам яққол намоён бўлади. Институт хотин-қизлар қўмитаси раиси, С. Абдураҳмонова талаба қизлар тарбиясида, кам таъминланган ёлғиз оналарга моддий ёрдам бериш ташвишида елиб югуради.

Хуллас, Сайёра опа илмдан бахт топган аёл ва яна илмнинг бахти бўлган олимадир.

Илмдан бахт топган аёл деяпмизу, фикримиз кемтикдек туюлаяпти. Ҳа, Шарқ аёллари, ўзбек аёллари энг аввало аёл бўлсин. Ушанда уларнинг бахти тўлиқ бўлади. Сайёра опанинг эса бир инсон ҳавас қилса арзигулик оиласи бор. Олима турмуш ўртоғига меҳрибон ва садоқатли аёл, икки фарзаннинг онаси, икки неваранинг суюкли бувижониси.

Эшмирза МАҲМУДОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Maktabgacha tarbiya

«ЭРТАК ЎҚИБ БЕРИНГ, ОПА»

Сиртдан қараганда мазкур боғчанинг Учкўприк туманидаги кўпгина боғчалардан деярли фарқи йўқ. Оппоқ жилдли ёстиқ ва кўрпачалар тўшалган каравотчалар. Болакайларда ғудакликдан нафосат тарбиясига, мусиқага муҳаббат уйғотиш учун чолғу асбоблари, соғлом бўлиб ўсишлари учун спорт зали... Қўйингки, дилбандларнинг тарбияланишлари учун ушбу масканда барча имкониятлар мавжуд.

— «Ширинтой» ансамблининг жажжи аъзолари, — деди боғча мудираси Муҳаббат Ҳайдарова, — нафақат маҳаллада, балки туман миқёсидаги катта-кичик тадбирларда ҳам иштирок этаётирлар. Шу билан бирга кичкинтойларимиз «Соғломжон-Полвонжон» спорт мусобақасида ҳам фаол қатнашиб, вилоятда биринчиликни қўлга киритдилар.

Боғча жамоасини аҳил оилага қиёслаш мумкин. Зеро, барча ютуқлар иноқликдан юзага келади. Ҳозирги шароитда кўпгина боғчалар турли-туман етишмовчиликларни рўкач қиладилар. Аммо қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейди доно халқимиз. Боғча ёнидаги томорқага турли хил экинлар экилган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти шу томорқада етиштириляпти.

Хизмат тақозоси билан кўпгина болалар муассасаларида бўлганмиз. Лекин кутубхонаси бор болалар боғчалари камдан-кам учраган. Мазкур жажжилар маскани нурхонасидаги икки мингдан зиёд китоблардан болакайлар қатори ходимлар ҳам, ота-оналар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Мурғак қалбларда китобга бўлган меҳрни эрта уйғота олаётган боғча опаларга раҳмат.

«Эртак ўқиб беринг, опа», дея суратли китобни тарбиячига тутаётган жажжи укаларим, китоб ҳамиша умр йўлингни ёритсин.

А. ТЕЙ,
жамоатчи мухбир.

Yulduzlar olamiga yo'l

БИРИНЧИ ТАЛОФАТЛАР

Космик самолётнинг фойдали юк жойлаштириладиган жойи ўртасида бўлиб, габаритлари 18,3 х 4,6 м, космосга чиқарадиган максимал фойдали юк 29,5 т, туширадигани 14,5 т; 7 сутка учишга мўлжалланган, экипаж сони 7, мўлжалланган юкланиш 3 дан ошмайди...

«Спейс Шаттл» ҳар хил мақсадларга мўлжалланган космик аппаратларни 200-500 км баландликдаги геоцентрик орбиталарга чиқариш, орбитада илмий текшириш, техник тажрибалар ўтказиш, орбиталарда учиб юрган космик аппаратларни текшириш, керак бўлганда қайтиб олиб тушиб, тузатиб чиқариб қўйиш, бир орбитадан иккинчисига ўтказишга мўлжалланган... Унинг бошқа муҳим ҳарбий мақсадлари ҳам бор эди: орбитада ҳарбий базалар, команда пунктлари, ракеталар ҳужумидан мудофаа системаларини яратиш...

«Спейс Шаттл» космик кемасининг двигателларини лойиҳалаш анча қийинчиликлар туғдирди. Шунинг учун унинг учиши кечиктирилди. Биринчи синов учиши 1981 йилнинг 12 апрелидан 14 апрелигача ўтказилди. Экипаж Джон Янг (унинг бешинчи учиши эди) ва Роберт Криппен (биринчи учиши эди)дан иборат эди. У «Колумбия» номи билан космосга учирилди. Учиш муваффақиятли тугалланди. Кўп марта фойдаланишга мўлжалланган космик кемалардан тўртласи қурилган эди. «Колумбия», «Атлантик», «Дискавер» ва «Челленжер».

«Спейс Шаттл» космик кемалари 1985 йилнинг октябригача 24 марта муваффақиятли учирилди; айниқса унинг «Челленжер» варианти кўп учирилди (2 марта авария ҳолатига яқинлашгани ҳам маълум эди). НАСА раҳбарияти «Спейс Шаттл» космик кемасини «ХХ аср мўъжизаси» деб фахрланишарди.

1985 йилнинг 22 декабрида «Челленжер» кемаси старт жойига унинчи марта учишга олиб келинди. У 1986 йилнинг 24 январида учирилмоқчи эди, лекин икки кунга кечиктирилди. Авария бўлиб қолганда тушиши керак бўлган жойда (Сенегалнинг Дакар аэропортида) чанг бўрони кутилмоқда эди. 27 январдан 28 январга ўтар кечаси ҳарорат нолдан тушиб кетганди. «Шаттл»га қаттиқ ёнилғили тезлатгич ракеталар ишлаб берадиган «Мортон Тиокол» фирмасининг раҳбарлари ҳарорат тушиб кетганидан хатар гумон қилишаётганини НАСАга хабар қилишди, чунки ракета секцияларининг (қисмларининг) туташ жойларида ёпиқлик бузилиши мумкин эди. НАСА раҳбарияти «Учириш режаси бузилади» деб кечиктиришга кўнмади (текширишлар учун 9 ойча вақт кетарди). Лекин лойиҳа-конструкторлик хатолар ўзини билдирмай қўймас, техника соҳасига ҳам бюрократизм, ҳужжатсизлик, ясамалик кириб келган эди. НАСА раҳбарияти тазйиқ остида ўша фирманинг вакиллари ҳам «Челленжер»нинг учишига розилик бердилар.

«Челленжер» космик кемасининг фожиаси энг даҳшатлидир. У кўп камчиликларига қарамай стартга тайёрлангач, 1986 йилнинг 28 январида, маҳаллий вақт билан соат 11 дан 38 минут ўтганда еттита аэронавт билан учирилди.

Экипаж командири ҳарбий учувчи Франсис Скоби эди. У Вьетнам урушининг қатнашчиси, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида 20 йилдан кўпроқ хизмат қилган, 1984 йилнинг апрелида биринчи марта «Шаттл»да космосга учган; 46 ёшда эди. Ҳарбий учувчи Михаел Смитт ҳам Вьетнам урушининг қатнашчиси эди. Космосга биринчи марта учаётганди; 40 ёшга тўлган, хотини ва учта боласи космик парвозга илиқ кузатиб қолишган... АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг майори, инженер Эллисон Онизука АҚШ гражданлигини қабул қилган япон эди; 39 ёшда, хотини ва 3 та фарзанди кузатиб қолишган... Лазерлар физикаси мутахассиси, фан доктори Роналд Макнейр космосга биринчи бўлиб 1984 йилнинг февралида учган, астронавтлар отрядига 1978 йилда қабул қилинган. «Юлдузлар уруши» программаси билан шуғулланган; 36 ёшда бўлган... Инженер-электротехник Грегори Жарвис «Хьюз Аэрокрафт» фирмасида алоқа йўлдошлари билан шуғулланган; 41 ёшда бўлган... аэронавт-аёл, электр системалари бўйича фан доктори, 36 ёшли Юдита Резник космосга биринчи марта 1984 йилнинг февралида «Спейс Шаттл»да учган эди; турмушга чиқмаган, мусиқага қизиққан — пианинода яхши чалар эди... Инглиз тили, америка тарихи ва иқтисоди бўйича ўқитувчи, Американинг суюклиси 37 яшар Криста Маколифф «Ўқитувчилар — космосга» деган конкурснинг ғолибаси эди (бу конкурсда 10 мингдан ортиқ кандидатлар қатнашган). Эри — адвокат, икки фарзанди АҚШ олий ўқув юртларида ўқишарди. Криста Маколифф орбитадан туриб Америка ўқувчиларига космик алоқа ва телеэкранлар ёрдамида 2 та дарс олиб бориши кўзда тутилган эди...

«Челленжер»нинг старти, осмонга учиб чиқиши тўлиқ кинога олинган; кинокадрлар анализи шуни кўрсатдики, учишнинг бошидаёқ ўнг тезлатгичнинг пастки ва ўрта секциялари оралиғининг ёпиқлиги бузилиб оқиш тутун чиқа бошлаган, сўнгра қора тутун чиққан, учишнинг 59 секундида эса олов чиқа бошлаган. Учишнинг 73 секундида 14 км баландликда миллионлаб телетомошабинлар кузатувида «Челленжер» портлаб кетди. Бебаҳо кема шу тариқа нобуд бўлди.

Кейин маълум бўлишича «Челленжер» орбитал босқичининг экипаж турган тўмшуқ қисми (аэронавтлар кабинаси) портлашдан ажраб кетган ва учишини давом эттириб, қайтиб туша бошлаган; шу пайтда ҳали 4 та астронавт тирик бўлган. 2,5 минутча ўтгач аэронавтлар кабинаси океан сувига катта тезлик билан (~ 90 м/с) урилгач, астронавтларнинг қолганлари ҳам ҳалок бўлган. Бу Америка учун ва бутун дунё учун ҳам улкан фожиа эди. «ХХ аср мўъжизаси» ХХ аср аэронавтикасининг энг улкан фожиасига айланганди...

Ҳисоб бўйича астронавтлар кабинаси океанга 23 м/с дан кам тезлик билан тушганида қолган астронавтлар омон қолиши мумкин эди. Бунинг учун экипаж кабинасида каттапулта мосламаси билан парашют системаси бўлиши шарт эди. Маълумотларга қараганда, «Челленжер»да бу мосламалар бўлмаган. Фақат «Дискавери» космик кемасининг ҳалокатдан кейинги учишида (1988 йилнинг октябри) бу мосламалар янгилик сифатида киритилган.

АҚШ ҳукумати «Челленжер» қолдиқларини излаш бўйича 6000 одам иштирокидаги қидирув ишларини қилди; 240 минг км2 океан сирти ва таги текшириб чиқилди. Қидирув ишларида атом сувости кемаси ҳам иштирок қилди. Бу ҳалокатдан умумий зарар 8 миллиард доллар эди. («Челленжер»нинг нархи — 3 миллиард доллар шунинг ичида). «Челленжер» ҳалокатидан кейин бир неча астронавтлар НАСАга ишончсизлик билдириб ўз отрядларини ташлаб тарк этиб кетдилар.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.



Рақиб йўқлиги қандай яхши!

Xullas...

ИСЁНКОР ИЛГИЗ

Схатулин Қозон давлат университетининг талабаси. Баъзи бир сабабларга кўра унга стипендия берилмайдиган бўлди. Бусиз ҳам иқтисодий қийналиб юрган Илгиз Схатулин ўз жонига қасд қилди. Ётоқхонанинг тўқкизинчи қаватидан кўзни чирт юмиб «бор-е», дея ўзини улоқтирди ва... бахтга қарши, барибир яна тирик қолди. Ҳатто жиддийроқ шикастланмади ҳам. Фақатгина бир неча соат ҳушини йўқотди, холос. Бундай муъжизавий омон қолишнинг сабаби, врачларнинг таъкидлашича, ўта кучли асабий-руҳий толиқиш. Ҳозир Илгиз шаҳар касалхонасида ётибди. «Узбошимчалигим учун уқишдан ҳайдашса-я», деган ўйда юраги така-пука.

ҚАСОСКОР «ҚУЁН»

Олмония жамоат транспортларида билет олмай «қуён» бўлиб юрадиганлар камдан-кам учрайди. Чунки бу ерда йўл ҳақини тежашга ишқибозлар учун ҳам моддий, ҳам маънавий оғир жазолар белгиланган.

Кёльн шаҳрида яшовчи, туппа-тузук фуқаро Кристоф Шверс паришонлиги туфайли йўл ҳақи тўлашни унутиб қўйди. Бироқ шафқатсиз контролёрлар ундан катта жарима ундириб, жамоатчилик олдида шарманда қилишди. Бундан қаттиқ таъсирланган Шверс қасос олишга бел боғлади. У ҳар куни икки марта шаҳар атрофига қатновчи автобусга, гуруҳ билети олиб чиқадиган бўлди. («Гуруҳ билети» якка тартибда сотиладиган билетдан анча арзон бўлиб, «гуруҳ билети» эгасига ўзи билан тўққиз кишини, ўн беш болани ва бошқа майда-чуйда нарсаларни олиб юриш учун рухсат берилади). Шверс «гуруҳ билети» билан автобусга чиқаркан, ўзига мутлоқ нотаниш бўлишига қарамай. 9 кишию 15 болага ҳомийлик қилиб, уларни ҳам бепул олиб кета бошлади. Ҳисоб-китобларга қараганда, қасоскор «қуён»нинг бир ой ичида транспорт кассасига келтирган зарари бир неча минг маркадан ошиб кетибди. Айни кунда Кёльн транспорт компаниясининг нуфузли раҳбарлари Шверсга ялиниб, бундай қўпорувчиликни ташлашни илтимос қилиб юришганмиш...

ЯРИМ МИЛЛИОН «КЎК»

Бу Литвада ўйналган «Телелото»нинг ютуғидир. Бироқ, ҳозирча ютуқли лотореянинг эгаси мағрур бош кўтариб «мен», дея ҳайқирмаяпти. Афтидан, бундай бахт бирорта ажнабийга тегишли бўлса керак. Айни кунда йирик-йирик мафия тўдалари чўнтагида ярим миллион «кўки» қийматига тенг лотореяси бўлган анқовни «ов» қилиб юрибди.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ПАХТА ЭМАС, ТАХТА-Я?!

Шарқ яккакураши ихлосмандлари кўргазмали чиқишларни сабрсизлик билан кутишлари ҳеч кимга сир эмас. Чунки шунақа пайтларда «қора белбоғ» соҳиблари ўз санъатларини намойиш этишади. «Бузиш — қуриш эмас» шиори остида ғишт, тахталар парчалаб ташланади. Тепиш машқини зап эгаллаб олган устасига салкам уч метр баландликдаги тахтани бўлаклаб ташлаш чикора.

ХУДДИ ЎША ДИЕГО...

Футбол қироли Диего Италиянинг «Наполи» командасида тўп сурган. 7 йил мобайнида шартномада кўрсатилганидан ташқари 30000000 лира бойлик тўплаган. Футбол қироли Италияда ўйнаган даврида бешта енгил машина сотиб олган. шулардан учтаси «Мерседес 500», тўртинчиси «Феррари Фио» ва бешинчиси «Феррари Тестаросса» эди. Битта командадаги энг кўп фойда келтирган футболчилар ўртасида ҳам қирол Марадоннанинг исми ҳамиша рўйхатнинг бошида туради. У 7 йил мобайнида «Наполи»га 2000000000 лира фойда келтирган.

УЧ ТЎП УРГАН ДАРВОЗАБОН

Югославия чемпионатида ўта қизиқарли футбол «спектакли» юз берди. «Радничка» клуби ўз майдонида Зеграб шаҳри футболчиларини қабул қилган эди. Ушбу ўйинда ҳакам меҳмонлар дарвозасига учта ва майдон эгалари дарвозасига битта 11 метрлик жарима белгиланганди. Қизиғи шундаки, «Радничка» дарвозабони Пантелич рақиблари дарвозасига уч гал ҳам тўпни бехато киритган. Пантелич ўз дарвозасига тепилган жарима тўпини ҳам дарвозабон маҳорат билан бехато қайтарган.

ИККИ КАРАТЭ МАЛИКАЛАРИ

Яқинда Италиянинг Милан шаҳрида каратэ бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. 75 мамлакатдан келган 2000 дан зиёд қора белбоғ соҳиблари ўзаро беллашдилар. Аёллар ўртасида юртдошларимиздан «Ката» дастури бўйича эса Ойжон Бойсанбоева ва «Кумитэ» дастури бўйича эса Елена Рябеновалар мусобақанинг бронза медали соҳибалари бўлишди.

ЖАҲЛИНГ ЧИҚСА...

Ниҳоят спорт ишқибозлари орзиқиб кутган дақиқалар ҳам етиб келди. Навбатдги учрашувда икки улкан чарм қўлқоп соҳиблари Майк Тайсон ва Эвандер Холлифилд рингга чиқдилар.

Муросасиз ўтган учрашувнинг ўрталарида сиз ва бизга яхши таниш бўлган Майкбой ўз рақибининг кучли зарбаларига дош беролмай, унинг ўнг қулоғидан тишлаб олди. Бу одобсизлиги учун ҳакам Майк Тайсонни рингдан чиқариб юборди. Учрашув голиби деб эса Эвандер Холлифилд деб топилди. Хуллас калом дунёга ҳеч ким устун бўлолмаслигига мана яна бир мисол.

ШОҲ МОТ



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Бўйига: 1. Шоҳмот бўйича аёллар ўртасида энг биринчи жаҳон чемпиони. 2. Республикамиздаги таниқли мураббий, спорт устаси Мамажон Муҳиддиновнинг ақлий спорт ўйинини урганишни бошловчилар учун қўлланмаси. 3. Узбекистон замонавий шоҳмот қоидаларининг жорий этилишида фаоллик кўрсаттан фидойи. 14. Мамлакатимизда бўлиб, сеанслар ўтказган жаҳоннинг бир неча бор чемпиони. 15. Ўйин бошида тезроқ ҳужумга ўтиш мақсадида қўлланиладиган усул. 17. Йилнинг энг кучли шоҳмотчисига бериладиган халқаро мукофот.

Энига: 4. Шоҳмотчи, «Оқлар ва қоралар» пьесаси муаллифи. 16. Ўйиннинг мантиқий якуни.

Айлана бўйича: «занжир» ҳолида. 5. Шоҳмот донаси. 6. Шоҳмот ўйини ватани. 7. Тахтага қарамай шоҳмот ўйнаш бобида жаҳон рекордчиси бўлган асли польшалик шоҳмотчи. 8. Жаҳон чемпиони. АҚШлик шоҳмотчи. 9. Аёллар ўртасида жаҳон чемпионларидан бири. 10. «Жонивор»га номдош дона. 11. Асримиз бошларида чемпионликка даъвогар бўлган немис шоҳмотчиси.

Диагонал бўйича: 12. Шоҳмот ўйинини санъат деб таърифлаган жаҳон чемпиони. 13. Ортга чекинмас дона. 14. Шоҳга ҳужум қилишни билдирувчи огоҳлантириш. 15. Кейинги йилларда Германия шарафини ҳимоя қилаётган гроссмейстерлардан бири.

Энди жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб топшириқни ҳал этинг.

5—1; 4—2; 2—3; 1—1; 6—8; 16—3;
3—2; 7—3; 15—5; 12—6; 12—2; 17—4; 11—3;
13—1; 14—5; 6—4; 8—3; 10—1; 3—1; 6—2; 9—3; 1—4; 17—5;

Ундан Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳикматларидан бири аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

МЕН СИЗНИ ТОПГАН КУН

Оқ қоғоз-кўнглимнинг қоронғу кўчаларида адашиб юрган соғинчу изтиробимни, ғаму-кулфатимни, меҳру-муҳаббатимни унсиз англагувчи дўст, ҳиёнатдан ҳоли содиқ ҳамдам. У мендан, менинг содда, безаксиз туйғуларимдан, маромига етмаган фикру ўйларимдан зинҳор қулмайди. Оқ қоғоз-оқ кабутар. Меҳр тўла қалбимнинг битмас-туганмас қўшиқларини Сизга етказувчи Жаннатқуш у.

Сиз покликка, оқликка ошносиз. Пок инсонни кўрган кўзлар покланади, сўзлар покланади, диллар, тиллар покланади. Гўзаликка, покликка ташна юрагимга наволар олиб кирган ИШҚ тилагимни ҳам поклади. Сизни севиб ўзимни, ўзлигимни танидим. Ватанни севишни, дўст қадрига етишни, душманга нафратни юракда туйдим. Куйлашни, ўйлашни, йиғлашни ўргандим. Оддий қаламимга тангри сеҳр ато этди. Нурли шеърлар битдим. Кўнглимга кўр, кўзимга боқий нур солди Муҳаббат. Мен сизни топгунга қадар қандай яшадим-а? Қандай яшадим?! Азият чеккан қалбимдан бу кун узр сўрайман. Ёмонлар ёлғонига урилавериб қадоқ босиб кетган руҳим олдида тиз чўкаман. Ўзимни ҳам, қалбимни ҳам, руҳимни ҳам покламоқ учун тангри кўкдан илоҳий Муҳаббат китобини мен учун юборди. Кечикиб бўлса-да биз учрашдик.

Севги тоғининг энг юқори чўққисига фаришталар қанотига чирмашиб чиқдим. Муъжизакор, тенги йўқ гулшан ичра чарх урган капалакдай юрагим яйради. Кўнглим бор овози билан хайқирди. Се-ваман... Лабларимдан оятлар учди. Қаламим учидан сирли сўзлар оппоқ қоғозга оқ-қушлардек тизилди. Борлиқни унутиб илҳом булоғига жисмим чўкаркан, севаман калимаси дилимни поклаб тилимга кўчди. Сизни севаман, дейман уйимнинг тўрида осиғлиқ турган суратингизга тикилиб. Сизни севаман... севаман... сева... акс садо беради олам. Баҳор ёмғири биз юрар йўлларни покиза нафаси билан поклайди. Шаббода-келин чангу ғубори босилган кўча-ю боғларда оҳиста рақс тушади. Севаман... севинч дарёсига ғарқ бўлаётган қалб кемаси лопиллайди. Севаман... Жаннатқушлар бошим узра тилларанг қанотларини ёйиб хиром айлайди. Енгил эпкини юзу-сочларимни силаб ўтади. Оллоҳнинг менга берган энг олий иноятн — Сиз эмасми? Ўзимни унутиб Сизни ўйлайман. Ўйларим гўдак кулгусидек бокира, куйларим булбуллар хонишига монанд. Бахтнинг тутқич бермас чопқир оёқларидан ёғилаётган нурга қўлларимни теккизиб кўзларимга сураман. Ҳайрат дарвозасининг нақшинкор зулфинлари очилади. Мен сизни топгунга қадар қандай яшадим-а? Қандай яшадим?!

Айрилиқ қиличи ҳар қанча ўткир бўлмасин менинг сабрим косасини синдиролмайди. Ахир Сиз менинг ҳаётбахш қўшиғимсиз. Тириклик қушиғи — Муҳаббат. Сизни кўрсам, сиз билан суҳбатлашсам фаришталар туйғуларимга тилло маржонлар тақишади. Ғамнинг улуғвор қадди букилиб, қувонч бўй кўрсатади. Муҳаббатли дунё тароватидан бахраманд нигоҳларимдан зиё ўпади. Завқ қушлари қалбимга ин қурадилар.

Сиз ёнимда бўлсангиз Ҳаққа юз тутгум. Имоним ойнасини чангу ғубордан аритгувчи малоик — СИЗ. Руҳим осмонини оҳорли сўзларингиз ғам булутларидан тозалагай. Илтижонинг узун этагидан тутиб тонгла маҳшарда дуога қўл очаман. — Тангрим уни ўзинг ёрлақа...

Муҳаббатнинг жинкўчаларида адашиб юраркан-ман кимдир мендан кулди, кимдир ачинди, кимдир менга қўшилиб йиғлади. Изтироб қуюнига қоришиб ётган умрим китобининг энг тоза боби-сиз.

Мен Сизни топган кун олам ёруғ эди. Фитна-гуйлар тароғидан ўзининг олтинранг сочларини ажратиб олган кўҳна дунё жилмаярди. Баҳорий ҳислар оғушига сингиб кетган қалбим эса менга нотаниш бўлган ажиб бир қўшиқни хиргойи қиларди. Ҳижрон қўшиғи битилмаган, ишонч иморати дарз кетмаган, вафо гулбоғи обод эди. Ишқпараст дилимни меҳрингиз майи билан дилингиз сийлаган ўша кун қаламим илоҳий шеър билан илк бора тиллашди. Мен Сизни топган кун олам ёруғ эди.

Муҳтарама ТУРКОЙ.

ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

1997-98 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «Меҳмонхона ва сайёҳлик комплексларида хизмат кўрсатишни ташкил этиш»
9-11-синф маълумотига эга бўлганлар учун кундузги бўлимига.
2. «Маиший хизмат соҳасининг техник-технологи».
9-синф маълумотига эга бўлганлар учун кундузги бўлимига.
3. «Сартарошлик ва нафис косметика санъати».
9-11-синф маълумотига эга бўлганлар учун кундузги бўлимига.
4. «Маиший хизмат корхоналарида хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва таҳлили»
9-11-синф маълумотига эга бўлганлар учун кундузги ва сиртқи бўлимига.
5. «Ҳуқуқшунослик»
9-синф маълумотига эга бўлганлар учун кундузги бўлимига.
11-синф маълумотига эга бўлганлар учун кундузги ва сиртқи бўлимига.

9-СИНФ ҲАЖМИДА ИМТИҲОНЛАР, 11-СИНФ ҲАЖМИДА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР 1997 ЙИЛНИНГ 25 ИЮЛИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:
1. Маълумот тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси).
2. Сурат 3х4 — 6 дона.
3. 086 V шаклида тиббий маълумотнома.
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).

МАНЗИЛИМИЗ:
Сирғали тумани: Сирғали -1, Лутфкор кўчаси 33-уй.
Автобуслар: 40, 75, 98
Троллейбуслар: 15,19.
Сирғали — 1 бекати
Телефонлар: 57-57-29, 58-38-85, 57-77-77.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0451. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6